


ISSN 2181-4791

**IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

IMAM BUKHARI INTERNATIONAL
SCIENTIFIC RESEARCH CENTER



**№1
2022**



IMOM BUXORIY SABOQLARI

*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-
adabiy jurnal*

*Spiritual and educational,
scientific-literary journal*



2022-YIL –

INSON QADRINI
ULUG'LASH VA FAOL
MAHALLA YILI

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Биз ота-боболардан миннатдоримиз, фарзанд ва набиралар биздан миннатдор бўлсин....3

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Отабек МУҲАММАДИЕВ, Дилмурод ҚУЛМАТОВ. “Лубобул Калом”даги долзарб ақидавий масалалар.....	5
Очил БЎРИЕВ, Асал МУҲАММАДИЕВА. Аждодларимиз меросида ёлғончилик иллатининг қораланиши.....	6
Максуда ХАЖИЕВА. Ҳикматларда яширилган дурдоналар.....	8
Гулчеҳра НАВРЎЗОВА. Ҳалоллик – тинчлик ва хотиржамлик асоси.....	9
Шоислом АКМАЛОВ. Алломалар меросининг илмий-маърифий аҳамияти.....	11
Жамолиддин ЖЎРАЕВ, Завқиддин БУРХОНОВ. Алишер Навоий асарларида арабча орттирма сифат даражаларининг қўлланиши.....	13
Равшан ТУРСУНОВ. Абдурауф Фитратнинг экологик маданият ва билимларга оид қарашлари.....	14
Маҳаммадсидиқ УСМАНОВ. Имом Насоий – буюк муҳаддис.....	16
Абдувоси ШОНАЗАРОВ. “Саҳиҳул Бухорий”нинг замонлар оша сақланиши ва тарқалишида Фирабрийнинг хизматлари.....	18
Исроилжон НАСРИДДИНЗОДА. Хусомуддин Садр Шаҳиднинг ҳаёти ва илмий фаолияти тарихи.....	20
Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Тасаввуф ва Чишти тарикатида ахлоқий-тарбиявий муносабатлар.....	22
Sohibjon UMARJONOV. Muhammad ibn Umar Fahriddin Roziy asarlarining qisqacha sharhi.....	24

НОДИР МАНБАЛАР

Гулчеҳра ҒАФҒАРОВА, Гулбаҳор ЖАЛАЛОВА. Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий асарларида фанлараро ёндашув ғоялари.....	26
Латофат ХОЛНАЗАРОВА. Ўрта Осиё хонликларида тазкиранавис ижодкорлар.....	27
Нодирбек АБДУЛАХАТОВ. Саййид Камолиддинхожа Косонийга бағишланган марсиялар тадқиқи.....	29
Шукурилло УМАРОВ. Муҳаммад Юнийнинг “Саҳиҳул Бухорий” асарига ёзилган “Юний” нусхаси.....	31
Бахтиёр ТУРСУНОВ. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид қимматли тарихий манба (фалсафий-тарихий таҳлил).....	33
Лола АЗИМОВА. Холис Тошкандий ва Абдуқайом Ваҳмий ижодида ислом тарихи воқеаларининг бадиий талқини (XIX аср).....	34
Gulnoza ALIJONOVA. “Kutubi Sitta” to'plamlari shakllanishida Imom Buxoriy “Al-Jome as-sahih” asarining o'рни.....	36

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Юнус ХОЛИҚОВ. Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенгликни мустаҳкамлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	39
Шоира ИНДИАМИНОВА. Суғд мусиқа санъатининг жаҳон маданиятига таъсири.....	40
Раъно ТЎХТАЕВА. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда молиявий ҳаёт ва унинг издан чиқиши.....	42
Диёржон АБДУЛЛАЕВ. Мукофотлаш тадбирлари ва унинг ўзига хос кўринишлари (XVI-XIX асрлар Ўрта Осиё хонликлари мисолида).....	44
Икром ДЖУРАЕВ. Ривоятдаги ҳақиқат излари.....	46
Музаффархон ЖОНИЕВ. Чор Россияси даврида Самарқанд вилояти мусулмонларининг ҳаж сафарлари.....	48
Дилфуза БЕГАЛИЕВА. Хива хонлигида бий лавозимининг ўрни.....	49
Феруз БОБОЕВ. Ўзбекистонда совет ҳокимиятига қарши кураш кучайишида диний сиёсатнинг таъсири (1918-1935 йиллар).....	51
Гулмамат АҲМЕДОВ. Маҳмудхўжа Беҳбудий – Самарқанд жадидларининг йирик намояндаси.....	53
Маъруф ҒОВСИДИНОВ. Э.Е.Бертельс тадқиқотларида Жомий ахлоқий қарашларининг ёш авлод тарбиясидаги ўрни.....	55
Latofat IBRAGIMOVA. “Ravshanxon” dostoni tilida tarixiy so'zlar va ularning leksik-semantik xususiyatlari.....	57
Sobirjon ISOQOV. XIX asr boshida O'rta Osiyo xonliklarida din, siyosat va savdoning holati Mir Izzatulloning xotiralarida.....	58
Mirzhalolhon ASATULLAYEV. The state of Public education in Samarkand during the great patriotic war.....	60
Dilmurod MAMARASULOV. Samarqanddagi Mirzo Ulug'bek madrasasi ta'mirlanishiga doir.....	63

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Бахти ОЧИЛОВА. Исломда оила муносабатлари ва эр-хотин ўртасидаги муштарак ҳуқуқлар.....	66
Хусан ДЖУРАКУЛОВ. Ёшларнинг экологик онги ва маданиятини юксалтиришда ислом динида илгари сурилган ғоялардан оқилона фойдаланиш зарурати.....	72
Одилжон ЭРНАЗАРОВ. Шарқий Осиёда ислом динининг тарқалишига оид тадқиқотлар таҳлили.....	73

Илёсжон СИДДИҚОВ. Ўрта асрлардаги ислом маданиятида интеллектуал тараққиётнинг вужудга келишида ворисийлик анъаналари: Тадқиқотлар таҳлили.....	75
O'ktamjon AMONOV. Zamonaviy iqtisodiyotda islom banklarining ahamiyati va xususiyatlari.....	77
Алаас Эрхан Жогор Уола. Взгляд исламского шариата на смену пола и вытекающие из этого изменения в порядке наследования.....	80
Мохира ЖУМАНИЯЗОВА. Ислом фалсафаси ва тафаккурида хотин-қизлар саломатлиги масалалари.....	82
Ислам МЕЙРИЕВ. Взгляды известного мусульманского богослова Мустафы Сабри относительно прав женщин на базе книги «Каули фи аль-мар`а».....	83

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Хусниддин АХМЕДОВ. Мустақил тараққиёт – фуқаролик жамияти барпо этиш омили.....	86
А.А. УСМАНОВА, А.В. ШМАКОВА, А.С.УГАЙ. Проблемы межнациональных браков в современном обществе.....	88
Аббос ДЎЛАНОВ. Янги Ўзбекистонда мустақил фикрлаш ва янгича руҳиятни шакллантириш зарурияти.....	90
Рамз РУСТАМОВ. Тарғибот типлари, унинг мақсад ва вазифалари.....	92
Бехруз ТУРДИЕВ. Обновления идеосферы в стратегии развития Нового Узбекистана.....	93
Мирсултон КАДИРОВ. Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш йўллари.....	96
Феруза ДЖУРАЕВА. Бадиий тафаккур ёғдусини излаб: Қадим араб нотиғи хитобаси мисолида.....	98
Турсунмурод МАМАТҚОБИЛОВ. Ижтимоий ислохотлар жараёнида бошқарувнинг ўзига хослиги.....	101
Шерахон ХОШИМОВ. Ўзбекистоннинг миллий туризми ўз-ўзидан ривожланиб боровчи тизим сифатида.....	103
Мансур ВАХАБОВ. Тарғибот ва ташвиқот тушунчаларининг фалсафий таҳлили.....	104
Фируз РАШИДОВ, Зулфияхон РАШИДОВА. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришда оила институтининг ўрни ва роли.....	106
Рахимбой ЯРМАТОВ, Гулноза ШЕРТАЙЛАКОВА. Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда Имом Бухорий сабоқларининг ўрни.....	108
Рустам БОЙМАТОВ. Шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви муаммолари.....	110
Сожида ЯХЯЕВА. Эстетик маданият жамиятнинг маънавий-мафкуравий олами сифатида.....	111
Элдар КУРБАНОВ. XXI аср бошида демократиянинг янги назарий асослари.....	114
Асроржон САТТОРОВ. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари билан минтақавий ҳамкорлигининг янги стратегияси.....	116
Нуриддин ЮСУПОВ. Эллада халқлари ҳаётида Шарқ.....	118
Баходир ЭШБЕКОВ. Оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик онгини шакллантириш механизмлари.....	120
Жонибек ТАНИКУЛОВ. Медиа ахборот мотивлари – жамоатчилик фикри психологиясига таъсир этиш механизми сифатида.....	122
Хосият НАФИДДИНОВА. Хорижлик олимлар асарларида оила, оилавий маросимлар ва улар билан боғлиқ масалаларнинг ёритилиши.....	124
Обид ТАНГИРОВ. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрида маҳаллий бошқарув лавозимларига сайлов тартиблари.....	126
Сухроб ЭРГАШЕВ. XX аср бошларида Бош Вақф бошқармасининг сиёсий фаолияти.....	128

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Зиёдулла ДАВРОНОВ. Борлиқ ҳақидаги концепциянинг ўзига хос талқини.....	130
Гулноза СУЛТАНОВА. Фан, техника ва таълимда проектив тафаккур тарзи когнитив инновация тури сифатида.....	131
Замирахон ИСАҚОВА. Тасаввуф таълимотида каромат масаласи: Фалсафий-ирфоний талқин.....	132
Сарвар АБДУЛЛАЕВ, Насрулло ТЎХТАЕВ. Ислом ва бошқа фалсафий қарашларда инсон ихтиёри ва ирода эркинлиги.....	135
Махмуд МАЖИТОВ. Шахс, индивид, индивидуаллик тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	137
Равшонбек САУРОВ. Давлат хизматларининг либерал демократик ва кратологик характери.....	139
Рауф БЕКБАЕВ. Суфизм в контексте философии традиционализма Рене Генона.....	141
Элёр УЛУҒМУРОДОВ. Глобаллашув даврида дин ва ахлоқ ўртасидаги муносабатларнинг фалсафий таҳлили.....	142

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий ғоянинг ўрни.....	145
Нигора БУРАНОВА. Инсон қадри илм биландир.....	146

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Нилуфар ШУКУРОВА. Ёшларнинг оммавий маданият таҳдидларига қарши курашишдаги роли.....	148
--	-----

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Мусулмоннинг хислатлари.....	150
-------------------------------------	-----

ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АСАРЛАРИДА ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВ ҒОЯЛАРИ

ГУЛЧЕХРА ҒАФФАРОВА
*Чирчиқ Давлат педагогика
институтини профессори*
ГУЛБАҲОР ЖАЛАЛОВА
ф.ф.б. фалсафа доктори, PhD

Бугунги кунда замонавий фан тизимида фанлараро ёндашув ривожланиб бораётган асосий йўналиш ҳисобланади. Бунда Ўрта асрларда Марказий Осиёда ижод қилган мутафаккирларнинг бекиёс хизматлари бор. Форобий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий каби буюк файласуф ва алломаларнинг асарлари жаҳон цивилизациясининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олган. Улар жаҳон фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган. Аммо мутафаккирларимизнинг фанлараро ёндашувни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси етарлича тадқиқ этилмаган. Биз Ўрта аср мутафаккирларининг илмий меросидаги фанлараро ёндашувни замонавий фан методологияси асосида тадқиқ этамиз.

Марказий Осиё мутафаккирларининг жаҳон илм-фанига қўшган бекиёс ҳиссаси И.Мўминов, А.Кубесов, М.Диноршоев, М.Хайруллаев, З.Кули-Зода, В.Бартольд ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Бу олимлар мутафаккирларнинг илмий хазинаси ва дурдона меросини тарихийлик, диахрон методлар асосида тадқиқ этган. Хусусан, Ўрта асрлардаги санъатда фалсафа ва математика интеграциясига оид маълумотларни Л.И.Ремпельнинг асарларида кўриш мумкин [2:11]. Бунда мутафаккирларимизнинг илмий меросидаги билимлар интеграциясининг фанлараро ёндашув намуналари математика, музика, архитектура, шеърят, медицина мисолида очиб берилган.

Қадимги юнон олимлари ижодида ҳам математика, музика, фалсафа ва бошқа фанлар интеграциясини учратиш мумкин. Бизнинг заминда яшаб ижод қилган мутафаккирлар ижодида фанлараро ёндашув нафақат салмоқли бўлган, балки юқори даражада ривожланган. Аммо уларнинг илмий мероси фанлараро ёндашув ғояси нуқтаи назаридан ўрганилмаган. Шунинг учун кўйида алломаларимиз ижодидаги фанлараро ёндашув эволюциясига оид намуналарни кўриб чиқамиз.

Алломалар ижодида билимлараро интеграция математика, музика, архитектура, санъат соҳасида ўз аксини топган. Буни дастлаб математиканинг бошқа фанлар билан интеграция қилиниши мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Форобий Ўрта асрларда Марказий Осиёда математикани бошқа фанлар билан интеграция қилиш ғоясини англаган буюк мутафаккир ҳисобланади. Аристотелдан фарқли равишда, Форобий математика методларининг қўлланиш имкониятлари чексиз эканини эътироф этади. Буюк олимнинг бу ғояси нафақат математика ривожиди, балки фан тизими тараққиётида ҳам буюк ҳодиса эди. Шунингдек, Форобий бу ғояни янада кенгроқ қўллаш усулларини амалда исбот қилади. Масалан, олим фанда биринчи бор музикавий (тебранувчи) ҳодисаларни математик усуллар билан тадқиқ қилади.

Форобий бошлаб берган бу ташаббусни кейинчалик бошқа олимлар ўз тадқиқотларида давом эттириб, янада ривожлантирди. Мовароуннаҳрлик мутафаккирлар ижодида музика ва математика, педагогика ва музиканинг уйғунлашуви юксак даражага кўтарилган. Форобий бунга “Музика ҳақида катта трактат”, Хоразмий эса “Илм калити” номли энциклопедиясининг бир бўлимини бағишлаган. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида музика ҳақида алоҳида бир бўлим мавжуд. Шу боис “Ўрта Осиё мутафаккирлари арифметика, геометрия, астрономия ва музикани битта фан доирасига киритган” [5:182-183].

Хўш, нега музикага бунчалик катта эътибор қаратилган? Маълумки, музика санъатнинг бошқа турларидан алоҳида ажралиб туради. Унинг “инсонга сирли таъсирини, инсон қалбида янги ўзгаришлар ҳосил қилишини олимлар тан олган. Музика жуда жўшқин, экзистенциал вазиятларда инсон ҳаётининг бир бўлаги сифатида эътироф этилган. Музика маданияти – бу ижтимоий маданий феномен бўлиб, ҳар бир маданиятнинг ўзига хос маданий-фалсафий ва сиёсий-идеологик хусусиятларини акс эттиради” [3:6].

Мутафаккирларнинг музикага эътиборини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

* Ўрта асрлар мусулмон маданиятида ҳамма фанлар фалсафа атрофида бирлаштирилган. Фалсафа барча фанларни

ўз атрофида бирлаштира олган фан ҳисобланади.

* Ўрта асрлар мусулмон маданиятида ҳар қандай фан ўзи алоҳида эмас, балки айнан илмий-фалсафий дунёқараш контекстида ўрганилган. Шунинг учун ҳар бир машҳур мутафаккирнинг илмий меросида филология, табиий, илмий, метафизик ва музикавий назарий билимлар уйғунлаштирилган.

Ал-Киндий Ўрта аср мутафаккирлари орасида биринчи бўлиб музикани фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этган олим ҳисобланади. У ўз асарларида музика назариясини алоҳида фан сифатида фалсафий нуқтаи назардан ўрганган. Форобий кейинчалик бу анъанани мохирона ривожлантирган. Дарҳақиқат, бу даврда “музика математика билан уйғунлашди ва жуда кўп назарий манбаларини арифметика, геометрия, баъзи ҳолларда эса физикадан олди” [3:23].

Форобий музикани “илм”, “фан, билим, билиш” сифатида ифодалаган [1:161]. Шуниси эътиборлики, у музикани амалий фалсафий фанлардан бири сифатида эътироф этади [4:181]. Мутафаккир ҳар бир олимга бошқа муаллифларнинг музика соҳасида йўл қўйган хатоларини тушуниш ва уларни очиб бериш, тўғри ва нотўғри нуқтаи назарларни ажрата билиш асосида ҳақиқатни аниқлаш талабини қўйган [4:182].

Л.И.Ремпель таъкидлаганидек, юнон олимлари ижодида музикага катта эътибор унинг бошқа фанлар билан интеграциялашувини юқори поғонага олиб чиқди [2]. Форобий товушнинг физик асосини, тарқалишини, тарқалиш интервалларини ўлчаш мақсадида арифметик, геометрик ҳисоблашларни қўллаган. Шу сабабли олим ижодида музика ва математика интеграцияси самарали амалга оширилган. Кейинчалик Европа олими Беконнинг илмий меросида ҳам бу икки фан интеграциясига оид ғоя кузатилган.

Ўрта асрлар мутафаккирлари ижодида билим доимо таълим ва тарбия билан боғлиқ бўлган. Улар билим инсонда яши фазилатларни ривожлантириши лозимлигини таъкидлаган. Ана шундай билимлардан бири болаларни музикани англашга ўргатиш ва музика воситасида ижобий сифатларни шакллантириш бўлган. Яъни, мутафаккирларимиз инсонни тарбиялаш масаласини ҳал қилишда музика амалиётидан фойдаланиш зарур деб билган. Шунингдек, улар музика инсоннинг қалби ва ақлини тарбиялаш хусусиятига эга эканини таъкидлаган. Бундай ёндашув Форобий ижодида яққол кўзга ташланади. У болаларни ахлоқий тарбиялашда уларни музикага ошно этиш зарур деб ҳисоблаган. Олимнинг фикрига кўра, музика болаларда ижобий руҳий ҳисларни чақиради, болалар қалби покланишига сабаб бўлади. Форобий бундай руҳий покланишни “катарсис” деб атайди. Шунингдек, у музика болаларга руҳий даволовчи восита сифатида ҳам самарали таъсир кўрсатишини айтиб ўтган.

Ибн Сино инсон руҳий ҳолати ижро этилаётган музика билан боғлиқлигини таъкидлайди. Товушлар гармонияси инсонни кучсизликдан кучлилик томон олиб чиқиши, ёки аксинча, уйғунлашмаган товушлар инсонни тушқунликка тушириб қўйиши мумкин. Шунингдек, Ибн Сино “инсоннинг саломатлиги учун энг фойдали машғулот – куйлаш” [5:186], дейди.

Мутафаккирлар музика нафақат инсоннинг кайфияти, балки унинг характерини ҳам ўзгартириши мумкинлигини таъкидлаган. Улар болаларни тарбиялашда музикани зийраклик билан танлаш зарур, деб ҳисоблаган. Ушшоқ, Наво каби музика намуналари инсонларда жасурликни, Ироқ, Наврўз музикалари эса ёруғ, чиройли орзуларни уйғотса, Бузрук

қайғу пайдо қилиши кўрсатилади. Бу кўрсатмаларга юртимиз мусикачилари асрлар оша амал қилиб келмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, юртимизда математиканинг бошқа соҳаларда қўлланиши натижасида дастлабки фанлараро ёндашув ғояси ривожланди. Бундай интегратив жараёнларни Форобийнинг мусиқага оид тадқиқотларида кўриш мумкин. У ўзининг “Мусиқа ҳақида катта трактат”ида антик давр муаллифларининг изланишларини пухта ўрганиб, уларда мусиқага оид баъзи ноаниқликлар борлигини аниқлаган ва шу сабабли янги трактат ёзишга киришганини баён қилган [5:182-183]. Натижада Форобий математик усуллар асосида мусиқа товушларининг келиб чиқишини, ритм ва товушларнинг мусиқа сифатида бирлашувига оид қонуниятларни мукамал ўрганади. Бу математика ва мусиқа фанининг интеграцияси эди.

Алломалар математик усулларни нафақат мусиқа, балки санъатшуносликда ҳам самарали қўллай бошлаган. Натижада фан ва санъатда интеграциялашув жараёни содир бўлган. “Бу жараёнда фан ва санъатни боғлаб турувчи ҳалқа математика ва геометрия ҳисобланади. Бу Хоразмий, Ибн Сино ва

бошқаларнинг ижодида намоён бўлди” [5:11].

Санъат ва математиканинг уйғунлашувини биз Ўрта асрларда Марказий Осиёда вужудга келган орнаментал санъат намуналарида кўраемиз. Бу санъат тури математика, геометрия ва санъатнинг уйғунлиги замирида пайдо бўлади. Архитектура орнаментал санъатдаги математик ёндашувларнинг асоси бўлиб, фалсафий ғояларга хизмат қилади. Масалан, Марказий Осиё меъморлик санъати асосида ётган уйғунлик ғояси ана шундай универсал характерга эга ғоядир. У нафақат коинот тизими, балки конкрет фанлар билан боғлиқ. Шу сабабли меъморлик санъатида уйғунлик геометрик орнамент воситасида ифодаланган.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, билимлар интеграциялашувига Ўрта аср мутафаккирларининг буюк хизмати бор. Форобий мусикавий (тебранувчи) ҳодисаларни шеърият ва математик усуллар билан тадқиқ этади. Шундай қилиб, математик ғояларнинг архитектура, геометрия, эстетик санъат билан уйғунлашувини содир бўлади. Бу уйғунлашув бетақрор орнаментал санъатнинг, гирихларнинг яратилишига олиб келади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. С.Д. Даукеева. Философия музыка Абу Насра Мухаммада аль-Фараби. – Алматы: Фонд Сорос-Казахстан, 2002.
2. Л.И. Ремпель. Художественная культура Средней Азии IX-XII веков. –Т.: Гафур Гулям, 1983.
3. Е.С. Федорова. Философия музыки в мусульманской

средневековой культуре. Дисс. на соиск. канд. культурологии. – Санкт-Петербург, 2015.

4. М. Хайруллаев. Фараби. –Т.: Узбекистан, 1975.

5. Художественная культура Средней Азии IX-XIII веков: сборник статей. под ред. Л.И. Ремпеля. –Т.: Лит. и искусства

♦ **Аннотация:** Ушбу мақолада мутафаккирларимизнинг фанлараро ёндашувни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва Ўрта асрлар мутафаккирларининг илмий меросида фанлараро ёндашувни замонавий фан методологияси асосида талқин қилиш ёритилган. **Таянч сўзлар:** Билиш, Ўрта асрлар, фан, ғоя, илмий ғоялар, аллома, Марказий Осиё, ёндашув, мусиқа, интеграция.

♦ **Annotation:** The article describes the contribution of our thinkers to the development of an interdisciplinary approach and the interpretation of an interdisciplinary approach in the scientific heritage of medieval thinkers based on the modern methodology of science. **Key words:** Cognition, Middle Ages, science, idea, scientific ideas, scientist, Central Asia, approach, interdisciplinary approach, music, integration, mathematics, scientific heritage.

♦ **Аннотация:** В статье описывается вклад наших мыслителей в развитие междисциплинарного подхода и интерпретация междисциплинарного подхода в научном наследии средневековых мыслителей на основе современной методологии науки. **Ключевые слова:** Познание, Средневековье, наука, идея, научные идеи, ученый, Центральная Азия, подход, междисциплинарный подход, музыка, интеграция, математика, научное наследие.

ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИДА ТАЗКИРАНАВИС ИЖОДКОРЛАР

ЛАТОФАТ ХОЛНАЗАРОВА

Тошкент давлат техника
университети доценти

Тазкиралар* туркий ва мусулмон оламида, хусусан, Туркия, Турон ва Эрон заминида турли тарихий даврларда яшаб ўтган шоирлар ва уларнинг шеърлари жамланган мажмуа сифатида доимо қадрланган ва махсус йўналиш сифатида ривожланиб келган.

Тазкиралар Ўрта Осиёда ҳам кўп асрлик тарихга эга, уларнинг катта қисми шоирларнинг ижодига бағишланган бўлса-да, орасида олимлар, ҳукмдорлар, диний уламолар, шерият пешволарининг тарихи ва фаолиятига бағишлангани ҳам бор.

Тазкиралар асосан адабиёт, хусусан, шеърият тарихи йўналишида кўп ўрганилган, тарих фанида эса улардан маданий ҳаёт намоёндаларини ўрганишда фойдаланилса-да, ҳалигача махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Ваҳоланки, уларда нафақат шоирлар, балки ҳукмдорларнинг фаолияти, уларнинг адабиётга, маданиятга муносабати, шеърларда эса давр руҳи, халқнинг армонлари, қалб нидоси, ижтимоий фикр ва тафаккурни англаб олиш мумкин бўлган жиҳатлар, географик, топографик маълумотлар жуда кўп. Тазкираларнинг маданият тарихи ва интеллектуал меросни ўрганишдаги ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта.

Тазкиралар тарих фанида узвий давомийликда, махсус ва изчил ўрганилмаган бўлса-да, улардан турли даврлардаги шахслар ва ижод аҳлининг ҳаётини, тарихини ўрганишда тегишли ўринларда унутилмай фойдаланиб келинмоқда.

Тазкираларнинг тахлили шуни кўрсатадики, улар орқали нафақат маданий ҳаёт, балки давр руҳини ҳам баҳолаш мумкин. Улар орасида ҳукмдорларнинг топшириғи ва

ҳомийлигида яратилгани ёки шахсий ташаббус асосида аввалги тазкираларни давом эттириш ёки тўлдириш мақсадида ёзилгани ҳам мавжуд. Тазкираларни асосан шоирлар, хаттотлар, тарихчилар ёзган ва XX асрнинг ўртасигача давом этган.



XIX асрдан XX асрнинг бошигача ҳар бир хонликда тазкиранавислик анъанаси давом этган. Қўқон хонлигида Умархоннинг буйруғи билан Фазлий Намангоний ва Мушриф тузган “Мажмуатуш шуаро” [1:338] номли тазкирадан XVIII аср охири ва XIX аср бошида Қўқонда яшаб ижод қилган 100дан ортиқ ижодкор ҳақидаги муҳим маълумотлар ўрин олган. Фазлий Намангоний раҳбарлигида шеърини шаклда яратилган “Мажмуаи шоирон» («Шоирлар гуруҳи») тазкираси саройда тўпланган ижодкорлар, адабий муҳит ҳақида маълумот беради.

Бухорода Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ (1818-1894) тузган “Тухфатул аҳбоб фи тазкиратил асҳоб» («Сухбатдошлар зикрида дўстлар тухфаси») тазкираси [2:145,29-30] XVIII аср охири ва XIX асрда яшаб ижод қилган Туркистон шоирларини қамраб олган эди. Бу тазкирада Бухоро ва Қўқонда яшаган 150 шоирнинг таржimai ҳоли ва ғазаллари тўплами баён этилган. Возеҳ зулнисонини бўлиб, ўзбек, тожик тилларида кўплаб қасида, рубоий, ғазаллар ёзган. Бундан ташқари, та-

* Тазкира – арабча «зикр этиш», тилга олиш, эслаш маъносини билдиради.

DUNYODA ILMDAN BOSHQA NAJOT YO‘Q VA HECH QACHON BO‘LMAGAY.

Imom Buxoriy



Telegram: @bukhariuz | @buxoriysaboqlari



E-mail: buxoriysaboqlari@bukhari.uz